

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
Қ А Р О Р И**

**Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сайловини ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонуни 61-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сайловини ўтказиш бўйича Тошкент вилояти давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг кўшма мажлиси 2016 йил 26 март куни соат 10-00да Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Кимёгарлар маданият саройи биносида ўтказилиши белгилансин.

2. Мазкур қарор халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига ижро учун юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ҳамда “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталарида эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М.Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 16 март,
№ 719.*